



ЎзХДП: ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲА

«ЎЗ ИШИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, ЭЛ-ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚЧИМАН»

Ўзбекистон ХДП ҳамда қатор тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшларнинг аксарияти ана шу истақда эканлигини айтди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан Халқ банки ҳамда «Ипотека банк» билан ҳамкорликда «Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маълумки, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш, аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Бу ўринда Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик биз-



нес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони юрдошларимизга ўз бизнесини очиш ва ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар эшигини очди.

Тадбирда шулар ҳусусида сўз юритилар экан, мамлакатимизда ишлаб чиқариш-ни ривожлантириш учун яратилаётган кенг имкониятлар, уларнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида йиғилганларга атрофлича маълумот берилди.

► Давоми 2-бетда.



Санжар ШОТЎЛАНОВ оlingan суратлар.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

— Мен ЎзХДП аъзосиман. Шу сабабли сиёсий партияларга боғлиқ хабар ва янгиликлар билан мунтазам танишиб бораман. Мени бир савол қизиқтиради. Депутатлар фаолияти кафолатланганми? Уларнинг ҳуқуқлари қандай муҳофаза қилиниши ҳақида тўлиқроқ тушунчага эга бўлишни истардим.

Дилноза ШАНАЕВА, Тошкент вилоятидан.



Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Албатта, ҳар бир соҳа вакиллариининг ўзига хос ҳуқуқ ҳамда ваколатлари қонунчилигимизда мустаҳкам кафолатланган. Ҳусусан, депутатнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида белгиланган. Унга кўра, ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароит кафолатланади, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади.

Депутатнинг шаъни ва қадр-қиммати тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий ёки ўзга тарзда жавобгар ҳисобланади.

Депутатлик ваколатларини амалга оширишига тўсқинлик қилиш мақсадида депутатга қай тарзда бўлмасин таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Депутатнинг ишига тўсқинлик қилаётган, била туриб унга ёлгон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузadиган мансабдор шахсларга қонунга мувофиқ жавобгарлик бўлади.

Бухоро вилояти Жондор туманида кичик бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш орқали доимий иш ўринлари яратилиши масаласи бўйича ЎзХДП депутатлари томонидан назорат-таҳлил ишлари олиб борилди.

Жорий йилнинг дастлабки олти ойида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 900 га яқин депутатлик сўрови юборилди.

БИЗ ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИ ТАНЛАДИК

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳар бир сиёсий партия ўз дастурига мос тарзда аҳолининг маълум қатлами манфаатларини ифодалашга ҳаракат қилмоқда. Одамлар қайси партия қайси гоёни илгари сураётгани, қандай амалий ҳаракатлар олиб бораётганига қараб уларга баҳо беради ва ўзига маъқул партия аъзоси бўлади. ЎзХДП ҳам тарафдорлари сафини кенгайтириш, жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш йўлида ижтимоий ҳимоя масаласига эътиборни кучайтиряпти, инсонпарварлик гоёларини тарғибот қилмоқда. Натижада ёшлар ҳисобига партиямиз сафи кенгайиб бормоқда.

► Давоми 2-бетда.



Фаррух АЛИЕВ оlingan сурат.

Янгиликлар,
бунёдкорликлар,
хабарлар...

Кўчаларни ёритишда

илғор
технологиялардан
кенг
фойдаланилмоқда

ЎзРФА «Физика — қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти катта илмий ходими Ҳабибулло Собировнинг таъкидлашича, Чилонзор-21 даҳасида ўрнатилган 170 ватт қувватли фотоэлектрик ускуна энергия тежовчи диодли лампаларни қувватлантириб туради.

Шунингдек, олимларимиз томонидан фотоэлектрик батареяларнинг турли шакллари ишлаб чиқилмоқда. Бу каби технологияларнинг жорий қилиниши электр энергияси сарфини камайтиришга хизмат қилади.

Куз-қиш мавсумига

қизғин тайёргарлик
кўрилди

Фарғона вилоятида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида шу кунга қадар 319 кўп қаватли уйларида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, шаҳар ва туманлардаги 12 қозонхона, 25 қозон, 7,8 километр иссиқлик, 74,5 километр ичимлик суви, 11,8 километр газ, 7 минг 238 километр электр тармоқлари жорий ва мукамал таъмирланди.

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида 7 минг 860 табиий газ тақсимлаш қурилмаси текширувдан ўтказилди. Қарийб 42 километрлик газ қувури ҳаво босими ёрдамида тозаланди. 385 километр ер ости газ қувури тўлиқ қўриқдан ўтказилди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар аҳолига 16 минг тоннадан зиёд суюлтирилган газ етказиб берилди. Истеъмолчиларни суюлтирилган газ билан тўлиқ таъминлаш мақсадида Бувайда ва Қўштепа туманларида газ тўлдириш шохбчалари, Ўзбекистон ва Фарғона туманларида эса сервис марказлари бунёд этилмоқда.

Янги йўналиш очилди

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан йўловчиларга қўлайлик яратиш, узоғини яқин қилиш, аҳолига хавфсиз ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

9 октябрдан бошлаб «Тошкент — Олот — Тошкент» йўналишида йўловчи поездди қатнови йўлга қўйилди. Дастлаб ҳафтанинг жума, шанба, якшанба кунлари ҳаракат қилган мазкур поезд эндиликда Бухоро вилоятининг Жондор, Қорақўл, Олот туманлари аҳолиси-га сифатли транспорт хизмати кўрсатиш имконини бермоқда.

Умуман, бугунги кунда Ўзбекистон темир йўллари орқали маҳаллий йўналишларда ҳар ойда 200 минг нафардан зиёд йўловчи ўз манзилга етказилмоқда.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ
тайёрлади.

Тошкент шаҳри

Фарғона

Бухоро

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

АҲОЛИНИ ТАБИИЙ ГАЗ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ
масаласида «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси
бошқаруви раисининг ахбороти ештилди



Олий Мажлис Қонунчилик
палатасида янги қонун лойиҳаси
муҳокама этилмоқда.

ПАРЛАМЕНТ
КОМИССИЯСИ
ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Жамоат фонднинг 2014 йил ва 2015 йилнинг 9 ойи учун давлат субсидияси ва ижтимоий буюртма доирасидаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот тингланди.

ЖАМОАТ
ФОНДИ
ФАОЛИЯТИ
КЎРИБ
ЧИҚИЛДИ

Йиғилишда мамлакатимизда 1400 га яқин босма ва электрон ОАВ фаолият юритаётгани, уларнинг асосий қисми нодавлат ташкилотлар сирасига кириши алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, ОАВнинг жамият ва давлат олдидagi ижтимоий аҳамиятини ҳамда масъулиятини ошириш мақсадида давлат грантлари, субсидиялар, ижтимоий буюртмалар шаклидаги лойиҳалари ҳамда дастурларига давлат кўмаги тақдим этилаётгани ҳусусида сўз борди. Нодавлат ОАВ фаолиятини қўллаб-қувватлашда Жамоат фонди кўмаги муҳим ўрин тутаятгани таъкидланди.

Ҳозирда «Телеаудио-эшиттиришлар тўғрисида», «Жамоат назорати тўғрисида», «ОАВ фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида» ва «ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қатор янги қонун лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда. Қонунчилик палатаси ҳар йили амалдаги қонунларга риоя қилиш бўйича парламент мониторингинг, мазкур мавзуга доир анжуманлар ва семинарлар ўтказиб келяпти. Бундан ташқари, ОАВнинг иқтисодий эркинлиги, молиявий барқарорлиги ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ахборот хизматларини ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳалар, дастурларни қўллаб-қувватлашга оид ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга ошириляётгани айтиб ўтилди. Йиғилишда Жамоат фонди фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Мажлис аъзолари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗХДП: ҲАМКОРЛИҚДАГИ ЛОЙИҲА

«ЎЗ ИШИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ,
ЭЛ-ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚЧИМАН»

Ўзбекистон ХДП ҳамда қатор тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшларнинг аксарияти ана шу истакда эканлигини айтди



Улугбек ВАФОВЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Банклар мамлакат иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланади. Улар томонидан ажратилган кредитлар ёшларимиз ўз бизнесини йўлга қўйишда ёрдам бермоқда. Айрим ҳолларда ёшларда ўз бизнеси ҳолида рўйбга чиқаришга имкони бўлмаслиги, молиявий маблагга эҳтиёж бўлиши мумкин. Банклар шу жиҳатларни чуқур ўрганган ҳолда, ёшларга ортиқча харажатларсиз моддий кўмак бериб келмоқда.

Шу ўринда бир савол туғилади:

Сардор МУҲАМЕДОВ,
Акциядорлик тижорат Халқ банки
Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари:

— Бугунги кунда банклар томонидан ажратилган кредитлар фуқароларимизнинг ўз ишини йўлга қўйиши, бир сўз билан айтганда, фаровон ҳаёт кечирishi учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Коллеж битирувчиларига бериляётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Жумладан, Халқ банкига республика бўйича 10 касб-хунар коллежи битиририлган. Мутасаддилар коллежлар раҳбарияти ва битирувчиларнинг ота-оналари билан биргаликда йигит-қизларни ишга жойлаштириш, ишлаб чиқаришга лавқати ва иқтидори бор

эндигина коллежни битирган, ҳали етарлича тажрибага эга бўлмаган йигит-қизлар ўз бизнесини юрита оладими? Бу масала ҳам ҳукуматимиз томонидан изчил ўрганилиб, тегишли имкониятлар яратиб берилмоқда. Жумладан, яқна тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқлардан озод этилиши қонунда белгиланган қўйилди.

Хорижда солиқ тўламаслик оғир жиноятлардан бири ҳисобланган бир пайтда, мамлакатимизда ёшлар учун яратилган бундай имтиёзлар фарзандларимизни рағбатлантиришда, уларнинг ўзига ишончи ва гайратини оширишда катта аҳамиятга эга, албатта.

Бизнинг партиямиз кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламни қўллаб-қувватлаш мақсад қилган экан, электроратимиз ва банклар ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик муштарак мақсадларимизни амалга оширишга, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамюртларимизга моддий кўмак берилишига хизмат қилмоқда...

кил этиш ва кичик бизнесни ривожлантириш учун тижорат банкларида жорий йилнинг 6 ойи давомида 6,5 триллион сўмга яқин маблаг ажратилди.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида юртимизнинг барча ҳудудларида банк тизими билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг, иш билан таъминланганишга кўмаклашиш мақсадида иқтисодий форумлар ташкил этиб келяпти. Бу тадбирлар ЎЗХДП электрорати манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар бандлигини таъминлашда яқин самара бермоқда. Мазкур тадбирларда кредит олиб ўз ишини бошлаган партия электрорати вакилларининг аксарияти ҳозирда қўшимча иш ўринлари яратиб, ўз тенгдошлари, маҳалладошларини иш билан таъминлаб, оиласининг даромадини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Бир кунги шифохонамизда ЎЗХДПнинг тадбири бўлиб ўтди. Унда ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш ва бу йўлда амалга ошириляётган ишлар ҳусусида сўз борди. Қариялар, ёлғиз кексаларга имтиёзли хизмат кўрсатиш, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар ҳолидан ҳамиша хабардор бўлиш, бунда ҳамширалар масъулиятини янада ошириш бўйича ҳам тақлифлар билдирилди. Тадбирдан сўнг бу сиёсий партияга қизиқиш қолдим. Чунки унинг гоёлари юрагимга яқин эди.

Шифохонамиздаги партия бошланғич ташкилоти етакчисига ЎЗХДПнинг

Кристина ВОЛКОВА,
Сирғали туманидаги
13-оғалий поликлиника
ҳамшираси:

— Коллежни тамомлаб, олий ўқув юртига кирмоқчи бўлдим. Аммо омадидан ҳудудларда йўловчи ташиш соҳасидаги масалалар ўрганиляётганини эшитиб қолдим. Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Депутатлар бу билан боғлиқ масалани халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари доимий комиссиясида муҳокама қилишибди ҳамда сессияга киритиш ҳақида қарор қабул қилинибди.

Шерзод МҲМИНОВ,
Тошкент давлат педагогика университети
талабаси:

— Мен Халқ демократик партияси фаолиятини анчадан бери кузатиб келаман. Яқинда ЎЗХДП депутатлари томонидан ҳудудларда йўловчи ташиш соҳасидаги масалалар ўрганиляётганини эшитиб қолдим. Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Депутатлар бу билан боғлиқ масалани халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари доимий комиссиясида муҳокама қилишибди ҳамда сессияга киритиш ҳақида қарор қабул қилинибди.

Кредит олиб ўз ишини бошлаган партия электрорати вакилларининг аксарияти ҳозирда қўшимча иш ўринлари яратиб, ўз тенгдошлари, маҳалладошларини иш билан таъминлаб, оиласининг даромадини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Гулҳаё МАЪРУФОВА,
тадбиркор, ЎЗХДП аъзоси:

— Даставвал, бизнес гоёларимни рўйбга чиқаришга кўзим етмагани, ўзимга, ўз кучимга ишонмасдим. Бирок ўтган йили қоллежни тамомлаб, банкдан кредит олдим ва тикувчилик цехини очдим. Шу тарих тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. Уч нафар тенгқур қизларни иш билан таъминлашга муваффақ бўлдим. Бу билан мен инсон, аввало, ўзига ишонishi кераклиги, қолаверса, шу орқали ўзгаларни ҳам иш билан таъминлаши мумкинлигини, жамиятга нафи тегишини англадим.

Айни кунда қўл остидаги ишчилар ҳам мен эришяётган ютуқларни кўриб, ўз ишини бошлаш ва бизнесини йўлга қўйишга мақсад қилишган...

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида олиб бориляётган ислохотларга алоҳида ургۇ бериб, уларнинг ижтимоий аҳамияти нақадар катта эканлиги ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Таъкидландики, янги иш ўринлари яратиш, касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, ушбу йўналишларда иш бошлаш ниятида бўлган электрорат вакилларининг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалалар ечимида партия ташкилотларининг иштирокини янада ошириш лозим. Бунинг учун партия фаоллари ва депутатлар ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчиларига кўмакдош бўлиши, уларнинг фаолиятларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаши керак бўлади.

Тадбир давомида ўз ишини йўлга қўйиш ниятида бўлган бир гуруҳ касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш, кредитлар беришга доир банк кўрғазмаси ташкил этилди. Сўнгра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, партия фаоллари иштирокида кўча Жамоатчилиги қабулхонаси ташкил этилиб, унга келиб тушган мунозаъаларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган олинди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари ва экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, ёшлар, касб-хунар коллежи битирувчилари, «Ипотека банк» ва Халқ банки ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ

БУ ҲАҚДА СИЗНИНГ
ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ!

Семинарда
фақат
маърузачилар
ЭМАС

иштирокчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини фаол билдириши керак

ЎЗХДПнинг барча даражадаги ташкилотларида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўқув машғулотлари ўтказилляпти. Мазкур ўқувларни юқори савияда ва таъсирчан ўтказиш учун нимага эътибор бериш керак?

Шоҳиста НАБИЕВА,
Ўзбекистон ХДП Бухоро
вилоят кенгаши раиси
ўринбосари:

— Аввало, шунга айтиш керакки, жойларда ташкил этиляётган семинарларда электрорат вакиллари, айниқса, ёшлар катта қизиқиш билан иштирок этипти, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирипти. Электрорат вакилларини ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб этишда, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантиришда бу муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

Бирок айрим семинарларда жойли баҳс-мунозара, фикрлар хилма-хиллиги етишмайди. Маърузачилар олдидан тайёрлаб келинган матнларни расмий оҳангда ўқиб беришди. Бундай пайтда фикр алмашиш, тақлифлар айтиш қийин бўлиши табиийдир. Чунки муҳокама марказига қўйилган мавзу иштирокчиларда қизиқиш уйғотмайди, уларга таъсир кўрсатмайди. Натигада тадбирларнинг самарадорлиги пасаяди.

Таъсирчанлигини ошириш учун семинарда сўзга чиқishi мўлжалланган мутахассисларни танлашга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман. Билимдон, ўз соҳасини пухта билидиган мутахассисларни тақлиф этсак, улар мавзу юзасидан эркин фикр юрита олади, одамларнинг саволларига ҳам жавоб беради.

Яна бир гап. Семинарни ташкил этиб, икки ёки уч кишининг маърузасидан сўнг уни яқунлаш мақсадида мутахассисларни қизиқтириш учун кўпроқ интерфакт усуллардан, замонавий сиёсий-технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш керак.

Масалан, ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш бўйича ЎЗХДПнинг дастурий мақсад вазифалари мавзусида ўқув машғулотлари ўтказилляпти. Унга партия фаоллари, депутатлар билан бир қаторда сиёсий шарҳловчилар ҳам тақлиф этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Маърузачилар қизиқидан сўнг монитор орқали партия ташкилотлари, депутатлар ташаббуси асосида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича олиб бориляётган амалий ишлар кўрсатилиши мумкин. Қолаверса, ўқувларда сессия ва доимий комиссияларга киритилган, назорат-таҳлил тартибиде ўрганиляётган масалалар ҳақида атрафлича тўхталиб, уларнинг натижаси ва самараси юзасидан одамларнинг ўзидан фикр сўраш керак. Шунда семинарга келган иштирокчи нафақат партия гоёси ва дастурини аниқ тушунади, балки унинг амалий ишларидан ҳам бохабар бўлади.

Бундан ташқари, катнашчиларни гуруҳларга ажратган ҳолда мавзу бўйича саволлар бериш, уларни фикрлашга ундаш, тақлифларини тинглаш амалиётини такомиллаштириш зарур. Ўз фикрини кўпчилик олдида айтишга қийналадиган иштирокчилар бундай пайтда ўзини эркин ҳис қилади. Демак, биз сиёсий ўқув машғулотларида интерфакт усуллардан ҳам кенг фойдаланишимиз талаб этилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гулрух ОДАШБОВЕВА
ёзиб олди.

БИЗ ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИ ТАНЛАДИК

Қувончбек ЭРГАШЕВ,
Тошкент молия
институты талабаси:

— Сиёсий жараёнларни, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни мунтазам кузатиб бораман. Коллежда ўқиб юрган кезларимда сиёсий партияларга қизиқишим кучайди. Сиёсий партиялар тадбирларида, лойиҳа ва формулариде қатнашдим. Ўша пайтлардаёқ бирор-бир партияни танлашга қарор қилдим. Битирувчиларни иш билан таъминлаш, бу борада турли меҳнат ярмаркалари ташкил этишда фаолият кўрсатиб келаятган Ўзбекистон ХДП гоёлари, амалий ишлари менга маъқул келди. Боиси, ишга жойлашиш қоллеж битирувчиси олдида турган энг долзарб масала ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳати, мен танлаган партия тадбирлар ташкил этиш билан чекланиб қолмаяпти. Партиямиздан сайланган депутатлар ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларини ўрганиб, сессиялар, доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқмоқда. Бу

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

■ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИМКОНИЯТИДАН ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ПАРТИЯГИНА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ, ЭЛЕКТОРАТГА ЯҚИН БЎЛИБ, УНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ. ШУ БОИС ҚЎЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИНИ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА КУЧАЙТИРИШ ПАРТИЯМИЗ ОЛДИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.



■ ЯНГИ ТАХРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ТАКЛИФИ БИЛАН СПОРТЧИЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ МЕЪЁР КИРИТИЛГАН.

Гарчанд сайловларда ғолиб чиқишига қарамай, аҳолининг ишончсизлиги парламентдаги депутатлик ўрнига ҳам таъсир этмай қолмади. Яъни «Олга, Португалия» коалицияси ўтган тўрт йил давомида 14 фоиз сайловчилар овозини йўқотди.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти туман (шаҳар) жамиятлари раислари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари иштирок этишди.

Истеъмолчи ҳуқуқи — қонун ҳимоясида

Бугунги кунда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси 14 ҳудудий бирлашма, 193 туман (шаҳар) жамиятларидан иборат бўлиб, маҳаллалар, корхона, ташкилотлар ҳамда муассасаларда таянч гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда қайд этилдики, Федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари, туман (шаҳар) жамиятлари томонидан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда Соғлиқни сақлаш, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазир-



ликлари, Бош прокуратура, «Ўзстандарт» агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Марказий банк билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳусурида ҳам тўхталиб ўтилди.

Аҳоли (истеъмолчи)лар ўртасида амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш юзасидан жорий йилнинг ҳисобот даврида Федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари ҳамда туман (шаҳар) жамиятлари томонидан 850 ўқув семинари, 2488 давра суҳбати ташкил этилди.

Унга қўра, жойларда савдо, коммунал, почта-алоқа хизматлари, жамоат транспорти ва бошқа хизмат турлари бўйича муаммолар ўрганилиб, маълумотлар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳал қилинишига эришилмоқда.

Ҳисобот даврида Федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари ҳамда туман (шаҳар) жамиятларида истеъмолчилардан жами 5460 ариза ва шикоят келиб тушган.

Мазкур муносабатларнинг аксарияти табиий газ, савдо, электр таъминоти, коммунал хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга тегишлидир.

Ариза ва шикоятларнинг 4988 таси ижобий ҳал этилиши натижасида жами 1 миллиард 735 миллион 901,0 минг сўм истеъмолчилар фойдасига ундириб берилган.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Португалия:

Бош вазир ўз ўрнини сақлаб қолди, бироқ...

Сўнгги тўрт йилда мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошидан ўтказётган Португалияда 4 октябрь куни парламент сайлови бўлиб ўтди. Парламентдаги 230 депутатлик ўрни учун 13 партия ва 3 сиёсий блок кураш олиб борди.

Сайловдан олдин ўтказилган сўров натижасига қўра, бир партиянинг парламентда мутлақ кўпчилик ўрини эгаллай олмаслиги тахмин қилинган. Бўлиб ўтган сайлов якунилари бу қарашларни тўғри эканлигини кўрсатди.

Ушбу давлатда парламент бир палатали бўлиб, депутатлар 4 йил муддатга сайланади. Сайловлар мамлакатдаги 22 сайлов округида ўтказилади. Сайлов қонунчилигида қўра, сайловгача ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга.

Португалияда пропорционал сайлов тизими амал қилади.

Бевосита сайлов натижаларига тўхталадиган бўлсак, Социал-демократик ва Халқ партияларини бириктирган «Олга, Португалия» коалицияси ғолибликни қўлга киритди. Илгор консерватизм ғояларини илгари сурайдиган ушбу сиёсий куч сайловчиларнинг 37 фоиз овозини тўплади.

Улар Сайловолди дастурида асосан консерватизмга йўрилган ғояларни тақдим этди. Шунингдек, муносиб меҳнат шароитлари яратиш, иш ўринларини қўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Амалдаги Бош вазир Социал-демократик партия етакчиси Педру Пасуш Коэльо ҳисобланади. 2011 йилда ўтказилган сайловда айнан унинг партияси сайловчиларнинг 38,7 фоиз овозини олиб, Ассамблеяда 108 мандатни қўлга киритган эди.

Социал-демократик партиянинг олий органи Миллий Конгресс ҳисобланади.



«Олга, Португалия» коалициясининг асосий рақобатчиси ҳисобланган сўл кучлар етакчиси, Лиссабон шаҳрининг собиқ мэри Антонью Кошта мағлубиятни тан олишга мажбур бўлди. У раҳбарлик қилаётган Социал партия сайловчиларнинг 32 фоиз овозини қўлга киритди.

Мазкур партия ўтган парламент сайловида 74 ўринни қўлга киритган эди. 2005 йилги сайловда эса 121, 2009 йилда эса 97 депутатлик мандатига эга бўлган эди. Бироқ сўнгги икки сайлов мазкур партиянинг мамлакат сиёсий майдонидаги мавқеи-га пугур етаётганини кўрсатди.

«Факты» нашрининг сиёсий шарҳловчиси Наталия Терехнинг фикрича, мазкур партия ўз ғояларини янада такомиллаштириши, аҳолини ўйлантираётган масалаларни чуқурроқ ўрганиши, мамлакатнинг ривожланиш стратегиясини белгилашда уларнинг хоҳиш-иродасини кўпроқ инобатга олиши зарур. Шунда сиёсий партиянинг тарафдорлари қўпаяди, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда муваффақиятга эриша олади.

Сайловдаги қўпайган ҳодиса «Демократик бирлик» коалицияси билан боғлиқ. Португалия коммунистик партияси ва «Яшиллар» партиясидан иборат бўлган мазкур сиёсий куч парламентда қанча ўринга эга бўлгани ҳозирча аниқ эмас. Бироқ уларнинг энг паст натижа кўрсатгани қайд этилмоқда.

Сайлов якунларидан сўнг амалдаги Бош вазир Педру Пасуш Коэльо Лиссабондаги чиқишда «Биз Президентга янги ҳукуматни

Сайлов натижалари шуни кўрсатдики, Бош вазирга ишонч бил- дирмаётган- лар оз эмас.

шакллантиришга тайёр эканлигини маълум қилдик», деди. Бош вазир Коэльонинг ўтган тўрт йил давомида юритган сиёсатига эътибор қаратадиган бўлсак, қўплаб ўзига хос жиҳатларни кузатиш мумкин.

У мамлакатни инкироздан олиб чиқиш учун «қаттиқ иқтисодий сиёсат» юритишга мажбур бўлди. Бироқ бу сиёсат аҳоли томонидан фаол қўллаб-қувватланмади. Умуман, сайлов натижалари шуни кўрсатдики, қўплаб португалияликлар Бош вазирга ишонч билдирмапти.

Гарчанд сайловларда ғолиб бўлишига қарамай, аҳолининг ишончсизлиги парламентдаги депутатлик ўрнига ҳам таъсир этмай қолмади. Яъни «Олга, Португалия» коалицияси ўтган тўрт йил давомида 14 фоиз сайловчилар овозини йўқотди. Фақатгина коалициядаги Халқ партиясининг натижалари

туфайлигина ўз ўрнини сақлаб қолди.

Португалияда янгидан шаклландиган ҳукумат олдида жуда муҳим вазифалар турибди. Энг аввало, халқ ишончини қайта қозониш. Лекин сиёсатчиларнинг таъкидлашича, бунга эришиш осон бўлмаслиги аниқ.

Португалияда ўтган сайловнинг аҳамиятли томони шундаки, унда мазкур мамлакат фуқаролари ўзларининг юқори сиёсий фаолликлари-ни намойиш этишди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, Португалияда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар мамлакатда бир қатор соҳаларда кенг қўламли ислохотлар ўтказиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Сиёсатчиларнинг фикрича, биринчи навбатда мамлакат иқтисодиётини изга солиш, инкироздан чиқишнинг мақбул йўллари излаб топиш зарур. Шу билан бирга, таълимни ислох қилиш, ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатларни қўпайтириш, иқтисодиётни янгилаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш каби долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади.

Бу жараёнда, энг аввало, сиёсий партиялар муҳим ўрин тутати. Уларнинг Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсадларнинг амалга ошиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг барқарорлашишига хизмат қилади.

Нурали ОРИПОВ



Нобель ҳафталиги кутилмаган янгиликларга бой бўлди

Бу ҳафта «нобелчи»лар ҳафтаси бўлди, десак адашмаймиз. Негаки, мукофот экспертлар томонидан ҳали эълон қилинмай туриб, аввалдан башорат қилишлар, бу борада ижтимоий сўровлар ўтказиш қизигандан-қизиб кетди. Айниқса, интернет сайтларини «титкиласангиз» бу борадаги ўзига хос «пойга»га гувоҳ бўласиз. Жуда қўплаб номзодлар орасидан муносиб совриндорни танлаш эса катта масъулият талаб қилади. Ва бу масъулиятли вазифа бажарилди ҳисоб.

Маълумки, Нобель мукофоти совриндорларини расмий эълон қилиш шу ҳафтанинг душанба кунидан бошланди. Яъни 5 октябрда тиббиёт ва физиология соҳаси бўйича 327 нафар номзод орасидан 3 нафар олим Нобель мукофотига муносиб, деб топилди. Бу ҳафта Стокгольмдаги Қиролликнинг Каролина тиббиёт-жарроҳлик институтида расмий эълон қилинди. Улар ирландиялик Вильям



Кэмпбелл, япониялик Сатоси Омура ва хитойлик Юю Тў бўлиб, дастлабки икки олим паразит чувалчанглардан тарқаладиган юқумли касалликларни даволашда муҳим роль ўйнайдиган дори препаратини яратишган. Бунинг амалдаги натижаси шу бўлдики, денгиз кўрлиги ва фил касалликлари айнан шу дори ёрдамида бир неча баробар қайта кайтариб олинган эди «Artemisia annua» ўсимлигини безгакка қарши артемизин дорисини яратган.

6 октябр кун физика соҳаси бўйича совриндорлар номи (япониялик Такааки Касита ва канадалик Артур Макдональд ўз тажрибаларида нейтрино — нейтрондан кичкина таркибий қисм ҳам массага эгаллигини исботлаган) Стокгольмдаги Қироллик фанлар академияси томонидан расмий эълон қилинган бўлса, 7 октябрда шу академия кимё соҳаси бўйича совриндорларни кенг жамоатчиликка маълум қилди. Швециялик Томас Линдал, америкалик Пол Модрич ва келиб чиқиши туркиялик Азиз Санкар ДНК ҳужайраларини қайта тиклаш устида иш олиб бориб, катта муваффақиятга эришган. Бу муваффақият эса Нобель мукофоти сари йўл очди.

8 октябр кун Швеция академияси адабиёт соҳаси бўйича мукофот эгасини тантанали эълон қилди. Бундай шарафга Беларусь фуқароси, таниқли ёзувчи ва журналист Светлана Алексиевич мушарраф бўлди. Унинг урушлар ҳақидаги тарихий-ҳужжатли тадқиқот асарлари бундай юксак мукофотга муносиб қўрилди.

Кеча тинчлик бўйича Нобель мукофоти Тунис миллий мулоқот тўртлигига насиб этди.

12 октябрда эса юксак мукофотнинг иқтисодиёт бўйича лауреати эълон қилинади.

Бу йил Нобель соҳибларига 8 миллион швед кронаси (950 минг АҚШ доллари атофрида) пул мукофоти берилади.

РЕКЛАМА

«Auto trade cooperation» МЧЖ

2015 йил 11 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Савдоларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика инкассация хизмати давлат унитар корхонаси ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:
2000 йилда и/ч, «ГАЗ-3110», д/р 01/271MBA, бошлангич баҳоси – 6 720 698 сўм;
2000 йилда и/ч, «ГАЗ-3110», д/р 01/347GAA, бошлангич баҳоси – 4 197 289 сўм;
1994 йилда и/ч, «Опель-Вектра», д/р 01/593ZBA, бошлангич баҳоси – 5 944 381 сўм;
2000 йилда и/ч, «Мидабус М23», д/р 01/617FAA, бошлангич баҳоси – 5 007 604 сўм;
2000 йилда и/ч, «Мидабус М23», д/р 01/618FAA, бошлангич баҳоси – 5 007 604 сўм;
1996 йилда и/ч, «Мидабус М24», д/р 01/619FAA, бошлангич баҳоси – 5 007 604 сўм;
2000 йилда и/ч, «Мидабус М23», д/р 01/621FAA, бошлангич баҳоси – 5 007 604 сўм;
2000 йилда и/ч, «Мидабус М23», д/р 01/620FAA, бошлангич баҳоси – 5 007 604 сўм;
1999 йилда и/ч, «Мидабус М23», д/р 01/954DAA, бошлангич баҳоси – 5 007 604 сўм;
1999 йилда и/ч, «Опель-Омега», д/р 01/388WBA, бошлангич баҳоси – 4 849 416 сўм;
2007 йилда и/ч, «Нексия», д/р 01/170KAA, бошлангич баҳоси – 17 699 064 сўм;
2005 йилда и/ч, «Нексия», д/р 01/716EAA, бош-

лангич баҳоси – 13 085 923 сўм; 2005 йилда и/ч, «Нексия», д/р 01/754FAA, бошлангич баҳоси – 13 159 771 сўм; 2007 йилда и/ч, «Нексия Донс», д/р 01/764FAA, бошлангич баҳоси – 16 102 402 сўм; 2005 йилда и/ч, «Нексия», д/р 01/837NAA, бошлангич баҳоси – 13 048 864 сўм.

Автотранспорт воситалари автоҳужалик бўлимининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Тиклиниш кўчасидаги ҳамда Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдонидаги гаражидида сақланмоқда. Автотранспорт воситалари билан иш қилганлар (яқиндан ташқари) соат 14:00 дан 17:00 гача жойида танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар Закалат пули тўғрисидаги қелишувни имзолагандан сўнг мулк бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдоридида закалат пулини тўлашлари керак. Аукцион ғолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисида сотув нархининг 0,25 фоиз миқдоридида комиссиясони йўғим тўланади.

Савдолар «АУТО TRADE COOPERATION» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда такро-

рий аукцион савдолари 2015 йил 18, 25 ноябрь кунлари ва ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади.

Талабгорлар аукцион ғолиблари савдо ўтган кундан бошлаб 20 (ийгирма) кун ичида «Сотувчи» билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар расмий иш қилари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади.

Закалат пули тўловлари «Auto trade cooperation» МЧЖнинг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний (юридик) шахсни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжат ва закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашганда — ўрна-тилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (0595) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148



■ ЯКИНДА ХИНДИСТОН ПОЙТАХТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ УШБУ ДАВЛАТДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОН ХАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНING ДЕҲЛИДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН МАЗКУР ТАДБИРДА ХИНДИСТОННИНГ 50 ДАН ОРТИҚ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, САВДО-САНОАТ ПАЛАТАЛАРИ, САЙЁҲЛИК КОМПАНИЯЛАРИ ВА БОШҚА ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ОАВ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



■ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ, ЎЗБЕКИСТОН ВА КУВАЙТ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР ҲАМДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БОЙ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИ МАВЗУЛАРИ «KUWAIT TIMES» ҲАФТАНОМАСИДА ЧОП ЭТИЛДИ.

